

ЎЗБЕКИСТОНДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Қурбоналиева Ҳ.И.
ТДИУ катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада урбанизация жараёни дунё миқиёсида жадал суръатларда амалга ошаётганлиги сабабли уибу ҳолатни мониторингли социологик тадқиқотлар орқали доимий ўрганиши учун асослар келтирилган. Бундан ташқари шаҳар муҳитининг инсонлар ҳаётига ижобий ва салбий таъсири, юртимиздаги урбанизация даражаси, босқичлари ва мазкур жараёнларда кузатилаётган қатор номутаносибликлар ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: Шаҳар, урбанизация, кичик ва ўрта шаҳарлар, йирик ва ўта йирик шаҳарлар, миграцион вазият, аҳолининг демографик ўсиши суръатлари.

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены причины постоянного изучения данной ситуации посредством мониторинговых социологических исследований, так как процесс урбанизации происходит стремительными темпами в глобальном масштабе. Кроме того, обсуждаются положительные и отрицательные воздействия городской среды на жизнь людей, уровень и этапы урбанизации в нашей стране, ряд наблюдаемых в этих процессах диспропорций.

Ключевые слова: город, урбанизация, малые и средние города, крупные и очень крупные города, миграционная ситуация, темпы демографического роста населения.

ABSTRACT

This article presents the reasons for the continuous study of this situation through monitoring sociological research, as the process of urbanization is taking place at a rapid pace on a global scale. In addition, the positive and negative effects of the urban environment on people's lives, the level and stages of urbanization in our country, and a number of imbalances observed in these processes are discussed.

Key words: City, urbanization, small and medium-sized cities, large and very large cities, migration situation, demographic growth rates of the population.

КИРИШ

Мамлакатимизда мавжуд бўлган юздан ортиқ катта, кичик ва ўрта шаҳарлар ўзига хос бўлган миқдорий ва сифатий кўрсаткичлари билан мамлакатимиз ҳаётида ўрин эгаллайди. Ушбу худудларнинг ҳар бири ўзининг

имкониятлари ва истиқболларига эга. Шу орқали юртимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллади. Аҳолининг соғлом турмуш тарзи, иқтисодий барқарорлиги, фаровон ҳаёти улар яшайдиган худудларнинг ривожланганлиги, яъни архитектура ва инфратузилмалари, бошқарув тизимлари, кичик ва ўрта тадбиркорликнинг қўлами, саноат ривожи ва бошқа соҳаларнинг муваффақияти билан белгиланади. Аҳоли пунктларининг қиёфаси мамлакатнинг истиқболдаги бундан кейинги ўсишини белгилаб беради. Истиқболда Ўзбекистон ривожининг асосини кичик шаҳарлар ва кичик шаҳарлар типидаги аҳоли пунктларини ўзига бирлаштирувчи марказга айланадиган ўрта шаҳарлар ёхуд агломерациялар тармоғи ташкил этади. Бу мамлакатда ишлаб чиқариш кучлари ва инсон ресурсларининг баравар тақсимланишини таъминлайди, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишини тезлаштиради. Шу жиҳатдан урбанизация жараёни зарурий ва тўхтатиб бўлмайдиган ҳолат ҳисобланади.

Шаҳар ва шаҳар ҳаёти муаммолари социология фани доирасида кўплаб таниқли олимлар томонидан ўрганилган. М.Вебер, Э.Дюркгейм, Ф.Теннис, Г. Зиммель, Р.Э.Парқ, Э.Бургесс, МакКензи, Л.Виртлар шулар жумласидан.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Замонавий социологик билим доирасида ҳам қатор олимлар томонидан мазкур муаммо турли ёндашувлар ва жиҳатлар нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Улар орасида шаҳарларнинг ривожланишини ва аҳолининг турмуш тарзини мазкур худудларнинг социал-иктисодий моҳияти ҳамда маданий потенциали орқали ўрганган ёндашув қизиқроқдир. Бу йўналишда Ж.Ид, Д.А.Хикс, Д.Х.Гарсия каби олимлар изланишлар олиб боришган.

Бугунги қунда чет эл социологиясида урбанизация жараёни ва социал эволюцияни бир-бирига таққослаб, шаҳарлашишни социал эволюцияга боғлиқ бўлган даврий жараён сифатида баҳолаш кенг тарқалган. Мазкур йўналиш тарафдорлари Ж.В.Биверсток, Р.Г.Смит, П.Дж.Тейлор, Р.Б.Коэн, Дж.Фридман, П.Нокс, П.Маркюз, Р.Кемпен, А.Сачар, Ж.Р.Шорт, Й.Ким, М.П.Смит, С.Сэссен лар ўзларининг ишлари билан қўпчиликнининг назарига тушган.

Замонавий чет эл социолог, географ, файласуф, политолог ва иқтисодчилари М. Кастельс, А. Лефевр, Д. Логан, Х. Молоча, Дж. Масионис, Р. Пала, Д. Рикардо, А. Скотт, Дж. Фарли, Д. Хэрвей урбанизация феноменини ғарб мамлакатларининг ривожланиш эволюцияси асосида ўрганишмоқда. Бунда улар саноатлашиш давригача, саноатлашиш даврида ва постиндустриал даврларда турли даражалардаги ҳокимият структураларини, иқтисодиёт, сиёsat, шаҳар ландшафти ва маданият омилларининг таъсирини ўрганишган.

Илмий адабиётларда асосан йирик саноат шаҳарларининг ривожланишига катта ургу берилган ва ўрганилган. Бунда уларнинг хом-ашё, энергия ресурслари, транспорт магистраллари, йирик марказларга нисбатан иқтисодий-географик жойлашувига асосий ургу берилган. Чунки айнан улар шаҳарларнинг асосий ва муҳим хусусиятларини белгилаб беради. Мазкур мақолада барча аввалги тажрибалардан унумли фойдаланган ҳолда, мамлакатимизда кечаётган урбанизация жараёнининг ижтимоий ва демографик ўзига хос жихатлари тарихийлик, таққослаш, анализ, синтез ва умумлаштириш методларидан фойдаланилган ҳолда ёритиб берилган.

Шаҳар — аҳолиси, асосан, саноат, савдо, шунингдек, хизмат ко‘рсатиши, бошқарув, фан ва маданият соҳаларида банд бўлган йирик аҳоли манзилгоҳи. Шаҳар — бевосита қишлоқ хўжалиги билан банд бўлмаган аҳоли тўпланган марказ. У атрофидаги туманлар учун маъмурий ва маданий марказ бўлибина қолмай, балки уларнинг жойлашиши ва ўсишига ҳам катта таъсир кўрсатувчи омил ҳамдир Шаҳар аҳолиси бутун жаҳон аҳолиси 47,5% дан ортигини ташкил этади.

Аҳоли пунктларига шаҳар мақоми берилиши учун аҳоли сони ва бажарадиган вазифаси: саноат ишлаб чиқариш, ташкилий-хўжалик, маданий-сиёсий, маъмурий ва ҳ.к.лар бош мезон ҳисобланади. Аҳоли манзилгоҳларини шаҳар тоифасига ўтказиш маълум қонуний тартибда амалга оширилади ҳамда чегараси белгиланади. Турли мамлакатларда шаҳар мақомини олиш мезони турлича.

Масалан, Дания ва Испанияда аҳоли сони 250 киши, Грузия ва Туркманистанда 5 минг, Тожикистон ва Қирғизистонда 10 минг, Россияда 5—12 минг, Японияда 25 минг киши бўлиши керак¹.

Хитой Халқ Республикасида 1955 йилдан бери шаҳар (ши) сифатида аҳоли сони 100 мингдан ошган ҳудудлар тан олинган². 1978 йилги административ ислоҳот натижасида мазкур кўрсаткич 3 мингача туширилди. Бунда аҳолининг 85 фоизи қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларда банд бўлиши лозимлиги белгиланган. Мазкур ислоҳот туфайли мамлакатнинг урбанизация кўрсаткичи кескин қўтарилилган³. Ўзбекистонда эса аҳоли сони 7 мингдан юқори бўлиши талаб этилади.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг бешдан бири дунё ялпи ички

¹ <https://uz.wikipedia.org/wiki/shahar>

² Россия и Китай: история и перспективы сотрудничества. материалы в международной научно-практической конференции. Отв. ред. Д.В.Буяров, Д.В.Кузнецов, Н.В.Киреева. – 2015. С. 270.

³ Погудина Ю.Ю. Особенности процесса урбанизация в КНР (1978-2012): пример формирования Чженъчжоуской агломерации в провинции Хенань. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – СПб., 2016., - С. 55.

маҳсулотининг 50 фоизини ташкил этадиган 600 та энг йирик шаҳарда истиқомат қиласди. 2025 йилга келиб, дунё аҳолисининг чорак қисми ушбу шаҳарларда истиқомат қиласди ва улар глобал ЯИМнинг 60 фоизидан қўпроғини ишлаб чиқарадилар⁴. Бундан ташқари, фақат ўтиш даври иқтисодиётiga эга бўлган мамлакатларда 2000 йилдан 2030 йилгача шаҳарларнинг аҳолиси 2 дан 4 миллиард кишига кўпаяди ва уларнинг майдони уч баравар кўпаяди (200 дан 600 минг кв. Км гача)⁵

Шаҳарларнинг жадал ўсиши ва шаҳар аҳолисининг қўпайиши ҳам имкониятларга, ҳам қийинчиликларга олиб келади. Бир томондан, шаҳарлар, айниқса йириклар, иқтисодий ўсиш ва ривожланиш марказларига, бизнес ва одамлар учун имкониятларни жамлаш марказига айланмоқда. Бошқа томондан, шаҳар инфратузилмаси ҳар доим ҳам корхоналар ва шаҳар аҳолисининг тез ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан доимо ҳамқадам бўлиб, бу шаҳарларда яшаш шароитининг ёмонлашишига ва атроф-муҳитнинг ёмонлашиши, коммунал хизматларнинг этишмаслиги ва сифати, касалликларнинг кучайиши ва одамларнинг соғлиғига таҳдид каби муаммоларни келтириб чиқаради. Буни Осиё минтақасидаги йирик мегаполислар мисолида яққол кўриш мумкин.

Урбанизация иқтисодий ва демографик жиҳатдан жадал ривожланиб бораётган минтақа Марказий Осиё учун ҳам жиддий муаммога айланиб бормоқда. Бугунги кунда минтақа аҳолиси 65,6 миллион кишидан ошади, уларнинг 43,8 фоизи шаҳарларда истиқомат қиласди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг прогнозларига кўра 2050 йилга келиб минтақа аҳолиси 1,3 баравар кўпайиб, 82 миллион кишига этади, шу жумладан 55,2% шаҳарларда истиқомат қиласди. Бироқ, таркибий ўзгаришлар ва бошқа маъмурий, ижтимоий ва иқтисодий омиллар натижасида шаҳар аҳолисининг ўсиши юқори бўлиши мумкин.

Марказий Осиё мамлакатларининг аксарият замонавий шаҳарларининг яратилиши ва ривожланиши сабиқ иттифоқ даврида содир бўлган ва ягона иттифоқ иқтисодий мажмуаси доирасида ишлаб чиқариш кучларини тақсимлаш сиёсати манфаатларига бўйсунганди. 1991 йилдаги парчаланишдан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон) асосан қишлоқ аҳолиси бўлган агросаноат иқтисодиётiga эга эди.

Маълумки, бугунги кунда аҳоли сонига кўра, шаҳарлар кичик (50 мингчага), ўрта (50—100 минг), катта (100 мингдан -250 мингчага) ва ўта йирик

⁴ Urban world: Mapping the economic power of cities. McKinsey Global Institute Report. March 2011.

⁵ Planning, Connecting, and Financing Cities—Now: Priorities for City Leaders. 2013. Washington, DC: World Bank.

шаҳарлар (250 мингдан-1млрд.гача) бўлади. Мамлакатимизда аҳоли миқдори 50 мингача бўлган кичик шаҳарлар қўпчиликни ташкил этади. Уларда аҳолимизнинг қарийб чорак қисми, яъни 8 млн.га яқин аҳоли яшайди. 2025 йилга Ўзбекистондаги кичик ва ўрта шаҳар аҳолисининг сони уч баробарга ортиши кутилмоқда. Мазкур ҳолат кичик шаҳарларнинг ривожланишини мониторингли социологик тадқиқотлар асосида ўрганиш заруратини асослайди.

Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда 120 шаҳар, 113 шаҳарча бор. Шундан 17 таси катта шаҳарлар (Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Бухоро, Ко‘қон, Фарғ‘она, Нукус, Қарши, Урганч, Олмалиқ, Ангрен, Чирчик, Навоий, Марғилон, Термиз, Жиззах), 16 таси ўрта ва қолганлари кичик шаҳарлар.

Шаҳарлар бажарадиган вазифаларига ко‘ра — пойтахт, саноат, транспорт, туризм, рекреация, дин, фан ва илмий текшириш марказларига бўлинади. Шунингдек, республикага бўйсунувчи, муҳтор республика, вилоят, туманларга бўйсунувчи шаҳарларга ажратилади.

Қишлоқ худудларда яшовчи аҳолининг шаҳарлар интилиши табиий ҳолат. Бу жараённи доимий назорат қилиб бориш лозим. Акс ҳолда айrim давлатлардаги каби мамлакат худудларида аҳолининг нотекис жойлашуви бир худудда аҳолининг хаддан ташқари ортиб кетиши, айrim худудларнинг эса одамсиз қолишига, бу эса ўз навбатида иқтисодий муаммоларни, жамиятдаги норозилик ва бегоналашувни, турли девиантлик ва суицидал ҳолатларни, жамият аҳолиси ўртасида бой ва камбағал қатlam ўртасидаги фарқнинг ортиб кетиши каби нохушликларни келтириб чиқаради. Мисол тариқасида Хитой Ҳалқ республикасини кўриб чиқсак. Гарчи сўнгги йилларда Хитой ўз иқтисодий ўсишлари билан дунё ҳамжамиятини лол қолдираётган бўлсада, жамият ичида кўплаб муаммоларга эга. Мазкур мамлакат учун юқори урбанизация даражаси хос. 1979 йилдан 2014 йилга қадар шаҳарлардаги аҳоли улуси 19,0 % дан 54,8 %гача ошди⁶. Худудлар орасидаги иқтисодий фарқлар аҳолининг мамлакат бўйлаб нотекис жойлашганига сабаб бўлмоқда, натижада бойлар ва камбағаллар орасидаги фарқ жуда катта. Ўрта қатlamни шакллантиришда қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Мамлақатда аҳолининг патриотик руҳи ва миллий ўзликни англаш даражаси юқори бўлсада ижтимоий-психологик ҳолат ва ўз ҳаётидан қониқиши масаласида муаммолар мавжуд.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шаҳарлар ривожланиши бўйича

⁶ Россия и Китай: история и перспективы сотрудничества. материалы в международной научно-практической конференции. Отв. ред. Д.В..Буяров, Д.В.Кузнецов, Н.В.Киреева. – 2015. С. 270.

муайян ишлар амалга оширилди. Шаҳар аҳолисининг салмоғи 1991-йилдаги 40,3фоиз ўрнига 2018-йилга келиб 50,6 фоизга ўсди. 2012-2018-йилларда шаҳар аҳолиси сони 1,4 млн. кишига ёки 9,2 фоизга ортди (шу даврда қишлоқ аҳолиси мос равища 1,7 млн. киши ва 11,9 фоизга қўпайди). Аҳолининг табиий ҳаракати (102,0%), миграция (-13,4%) ва маъмурий-худудий ўзгаришлар (11,4%) шаҳар аҳолиси сони ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилган. Бундай ўсиш суръатларига асосан маъмурий ўзгаришлар, яъни 2009-йилда мингга яқин қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар посёлкаларига айлантирилиши ҳисобига эришилди.

2022-йилнинг 1-октябр ҳолатига кўра доимий аҳоли сони 35 821,2 минг кишини ташкил этиб, 2021-йилнинг мос даврига нисбатан 742,0 минг кишига ёки 2,1 % га ўсди. Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 18231,9 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан улуши 50,9 %), қишлоқ аҳолиси сони 17589,3 минг кишини (49,1 %) ташкил этди⁷.

Шу билан бирга, урбанизация жараёнларида қатор номутаносибликлар кузатилмоқда:

- урбанизация даражаси бўйича мамлакатимизнинг жаҳонда тутган ўрни паст. БМТ халқаро рейтинг кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон 2018-йилда ушбу йўналишда 233 мамлакат орасида 155-ўринни эгаллади. Ваҳоланки, бу соҳада дунёдаги ўртача кўрсаткич 55,3 фоиз бўлиб, у Россияда 74,4 фоизни, Туркияда 75,1 фоизни, Қозогистонда 57,4 фоизни, Туркманистанда 51,6 фоизни ташкил этади;

- охириги 10 йил мобайнида (2009-2018-й.) мамлакатимизда урбанизация даражаси 51,7 фоиздан 50,6 фоизга камайди. Хоразм (33,3%), Сурхондарё (35,5%), Бухоро (37,4%) ва Самарқанд (37,4%) вилоятларида урбанизация даражаси айниқса паст;

- 2012 йилдан ҳозирга қадар шаҳарлар сони ўзгармади (119 та) ва уларда 10,1 млн. киши истиқомат қиласиди. Мамлакат шаҳарлар тармоғининг асосини кичик шаҳарлар (жами шаҳарлар таркибидаги улуши 68,4 фоиз) ташкил қиласиди ва уларнинг жами шаҳар аҳолисидаги улуши 20,5 фоизга teng. Шаҳарлар ривожланишининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, шаҳар аҳолисининг деярли $\frac{1}{4}$ қисми (24,2%) пойтаҳт - Тошкент шаҳрида истиқомат қиласиди. Ўтган давр ичида 6,4 млн. киши (38,7%) истиқомат қиласидиган шаҳар посёлкалари сони 1065 тадан 1071 тага қўпайди. Шаҳар посёлкалари сонининг жуда кўплиги ҳам Ўзбекистонда шаҳарлар тармоғининг ўзига хос жиҳати сифатида талқин қилиниши мумкин;

⁷ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ма’лумотлари

Барқарор ривожланишни таъминлашнинг янги омили сифатида мавжуд номутаносибликлар ва тизимли муаммоларни бартараф этиш, урбанизация жараёнларини фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида мамлакатимиизда урбанизация даражасини 2030-йилгача 60 фоизга етказиш вазифасини стратегик мақсад сифатида белгилаб бердилар. Ушбу вазифани бажариш учун мамлакатда давлат томонидан урбанизацияни мақсадли тартибга солиш ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш бўйича асосий йўналишлар ва комплекс чора-тадбирларни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди (2019-йил 10-январ)⁸. [https://lex.uz/docs/4154818\]](https://lex.uz/docs/4154818).

Табиийки, урбанизация сиёсатини самарали қўллаш учун унинг аниқ механизмлари ва амалга ошириш йўллари ишлаб чиқилиши зарур. Бунда энг аввало, ушбу йўналишда янги меъёрий-хуқуқий хужжатларни (“Ноқишлоқ хўжалик аҳамиятидаги ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Конун лойиҳаси) ишлаб чиқиш ҳамда Ер, Шаҳарсозлик, Уй-жой Кодекслари ва бошқа мавжуд қонун хужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали амалга оширилади. Урбанизация («урбанизация» сўзи лотин тилида шаҳар маъносини англатиб, мамлакат аҳолиси таркибидаги шаҳар аҳолисининг салмоғи орқали ўлчанади.) жараёнларининг асосий натижалари назаримизда қўйидагилар билан боғлиқ:

- барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш;
- аҳоли турмушининг сифатини яхшилаш ва даражасини қўтариш;
- уй-жой, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма обьектлари қурилишини кенг миқёсда амалга ошириш;
- ер участкаларидан самарали фойдаланиш;
- шаҳарларни иқтисодий, ижтимоий ва экологик омиллар, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда комплекс ривожлантириш;
- индустрисл-инновацион ривожланишнинг устувор вазифаларини ҳал этиш ва рақамли иқтисодиётни қўллаш;
- қатта, ўрта ва кичик шаҳарлар ривожланишини мақбуллаштириш;
- шаҳар агломерациялари орқали ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг самарали шаклларини татбиқ этиш;
- шаҳарларда саноат зоналари, технопарклар, инновация марказларини ташкил этиш.

⁸ [https://lex.uz/docs/4154818\]](https://lex.uz/docs/4154818)

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, урбанизация даражасининг 1 фоизга ортиши аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот кўрсаткичининг Хитойда 10 фоизга, Ҳиндистонда эса 13 фоизга ўсишини таъминлаган⁹. Бундан кўринадики, Ўзбекистонда ҳам урбанизация жараёнини фаоллаштириш ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг янги манбаларини очиб беради, аҳоли турмуш тарзининг сезиларли даражада яхшиланишига олиб келади. Ўзбекистонда кечётган жадал ижтимоий, иктисодий, сиёсий ислоҳотлар, худудлардаги миграцион вазият, аҳолининг демографик ўсиш суръатлари, диний ва миллий хилма-хиллигимиз, ер-сув имкониятлари, ахборот оқимининг жадаллашуви, саноатлашиш эҳтиёжи каби критерийлар шаҳарлар аҳолисининг ижтимоий-иктисодий ривожланишига доимий равишда таъсир кўрсатади. Катта, кичик ва ўрта худудлардаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш мамлакатимиз ривожининг асосини ташкил этади. Демак, ушбу жараённи тизимли равишда ва мониторингли социологик тадқиқотлар асосида ўрганиш лозим бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Россия и Китай: история и перспективы сотрудничества. материалы в международной научно-практической конференции. Отв. ред. Д.В..Буяров, Д.В.Кузнецов, Н.В.Киреева. – 2015. С. 270.
2. Погудина Ю.Ю. Особенности процесса урбанизация в КНР (1978-2012): пример формирования Чженъчжоуской агломерации в провинции Хенань. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – СПб., 2016., - С. 55.
3. Urban world: Mapping the economic power of cities. McKinsey Global Institute Report. March 2011.
4. Planning, Connecting, and Financing Cities—Now: Priorities for City Leaders. 2013. Washington, DC: World Bank.
5. Россия и Китай: история и перспективы сотрудничества. материалы в международной научно-практической конференции. Отв. ред. Д.В..Буяров, Д.В.Кузнецов, Н.В.Киреева. – 2015. С. 270.
6. Tursun Ahmedov, Urbanizatsiya dasturi: maqsad, vazifalar va kutilayotgan natijalar. 22/01/2019. <http://mineconomy.uz/uz/info/2512>.
7. [https://lex.uz/docs/4154818\]](https://lex.uz/docs/4154818)

⁹ Tursun Ahmedov, Urbanizatsiya dasturi: maqsad, vazifalar va kutilayotgan natijalar. 22/01/2019. <http://mineconomy.uz/uz/info/2512>.